# Qishloq hayoti

2013 йил – Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 9-IYUL, SESHANBA, 83 (8164)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!




Қашқадарё Вилояти

## ҲАМ МЕҲНАТ, ҲАМ РОҲАТ

### КОСОН ТУМАНИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «МЕҲНАТ – РОҲАТ» ШАҲАРЧАЛАРИ ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ ДАЛА ШАРОИТИДАГИ МЕҲНАТИНИНГ ЯНАДА САМАРАЛИРОҚ БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА

Мустақиллик барча соҳада бўлгани сингари қишлоқ хўжалигида ҳам тубдан янгиланишларни бошлаб берди. Энг муҳими, ерга, мулкка муносабат тубдан ўзгарди. Фермерлик ҳаракати боиси, ҳосилдорлик ошди. Меҳнатга янгича ёндашувлар шаклланди. Қишлоқ мулкдори бугун ўз меҳнати бесамар кетмаслигини тобора чуқурроқ англамоқда.

Ўтган йили туманимизда 100 минг тоннадан ортиқ ғалла етиштирилди. Қабул масканларига 74 минг 600 тонналик пахта хирмони бунёд этилди. Натижада жами 56 миллиард сўм ялпи даромад олинди. Шунинг 9 миллиард 800 миллион сўми соф фойда ҳиссасига тўғри келади.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги кенг нишонланадиган жорий йилда ҳам туманимиз заҳматкашлари юксак мақсадларни дилга тугиб, меҳнат қиляптилар. 24 минг 800 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган пахтакорларимиз 80 минг тонналик "Оқ олтин" хирмони тўплаш учун кун сайин ғайрат қилмоқдалар. 585 та фермер хўжалиги даласида ғўзанинг "Бухоро-6", "Беш қаҳрамон" навлари баравж ривожланяпти. Икки марта обиҳаётга қондирилиб, беш марта сифатли ишлов берилган ниҳолларнинг ҳар бирида ҳозирги кунда 5-6 тадан тўқ кўсак бор. Ғаллакорларимиз эса фидойилик кўрсатиб, залворли ютуқларга эришдилар. 18 минг 500 гектар ердаги ғаллазорда 100 минг 46 тонна ҳосил етиштирилди. Етиштирилган ҳосилнинг 53 минг 200 тоннаси давлат қабул масканларига нест-нобудгарчиликсиз етказиб берилди.

Агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида туманимиздаги иккита ҳудудда "Меҳнат – роҳат" шаҳарчалари ташкил этилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, вилоят ҳокимлиги томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

(Давоми 2-саҳифада)




## ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

**Туркияда футбол бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли тўп суриб, жаҳоннинг энг кучли саккиз жамоаси сафидан жой олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини кутиб олиш маросими бўлди.**

Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимизни тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва мухлислар тантанали кутиб олди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортнинг барча турлари қатори футболни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида мамлакатимиз футболчилари халқаро майдонда юксак натижаларга эришмоқда. Сўнгги ўн йилда ўсмир ва ёш футболчилардан таркиб топган терма жамоаларимизнинг жаҳон чемпионатларида мунтазам қатнашаётгани, халқаро майдондаги натижаларимиз йилдан-йилга яхшиланаётгани, аввало, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган баркамол авлод вояга етаётганининг ёрқин ифодаси бўлмоқда.

Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФАга 209 мамлакат футбол федерациялари аъзо. Уларнинг ҳар бири ўз вакилларини жаҳон чемпионатларида кўришни истайди. Бироқ футбол юксак тараққий этган бугунги даврда жаҳон чемпионатида тўп суриш имконияти ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

Туркия яшил майдонларида тўп суриш ҳуқуқига дунё бўйича олти минтақада ташкил этилган саралаш турнирларида юқори ўринларни эгаллаган энг кучли 24 жамоа вакиллари эга бўлди. Улар орасида ўзбек футболчиларининг борлиги, улар Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олгани барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлади.

Аслида, жаҳон чемпионатида тўп суриш имкониятини қўлга киритишнинг ўзи – катта ғалаба. Зеро, бу чемпионат – мамлакатларда спорт қай даражада тараққий этаётганини кўрсатадиган, аҳоли, айниқса, ёш авлод салоҳияти ва иқтидорини намоён этадиган футбол оламининг энг нуфузли мусобақасидир. Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида энг кўп совринни қўлга киритган Бразилия ва Аргентина терма жамоаларининг бу сафар саралашдан ўтолмагани ҳам мусобақада рақобат қанчалик кучли бўлганини кўрсатиб турибди.

Ёш футболчиларимиз мундиал давомида Океаниянинг беш карра чемпиони Янги Зеландияни 3:0, Европа вице-чемпиони Греция вакилларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди, Европанинг яна бир кучли терма жамоаси – Хорватия ёшлари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Гарчи ёш футболчиларимиз жаҳон футболида энг юқори ўринларда турувчи Уругвай ва Франция терма жамоаларига ютқазган бўлса-да, намойиш этган ҳалол, чиройли, ҳужумкор ва шиддатли ўйинлари билан минглаб мухлису мутахассислар эътиборини қозонди. Ўзбекистон терма жамоаси тўп сурган Бурса, Анталия, Газиантеп ва Ризе шаҳарларида стадионга жам бўлган мухлислар Ўзбекистон футболчиларини олқишлаб тургани йигитларимиз халқаро ҳамжамиятнинг ўзбек халқига нисбатан меҳри, қизиқиши ва эътиборини уйғота олганини билдиради.

Жаҳон чемпионатининг ҳар бир учрашувини синчковлик билан таҳлил қилган мутахассислар ва мураббийлар Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бу йилги жаҳон чемпионатининг ҳақиқий кашфиёти бўлганини эътироф этди. Яна шуни таъкидламоқ лозимки, 1997 йилдан буён Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасидан фақат Ўзбекистон футболчилари чорак финалга чиқа олди. Бу муваффақият мамлакатимиз мустақиллиги, юртимиздаги тинчлик-осойишталик самарасидир.

– Футболчиларимиз Ўзбекистонимизнинг дунё миқёсидаги обрўсини янада ошириб, юртимизда куч ва истеъдод бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод вояга етаётганини кўрсатди, – дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмаджон Мусаев. – Улар бундай нуфузли мусобақада иштирок этиш ҳуқуқига истиқлол туфайли эришганини чуқур ҳис қилган ҳолда, мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрамига муносиб совға тайёрлаш мақсадида кўтаринки руҳ ва кучли иштиёқ билан тўп сурди. Бутун дунёга юртимизда жисмонан ва маънавий етук авлод, ўзбек футболининг ёрқин келажагини таъминловчи истеъдодли спортчилар вояга етаётганини, олдинда бизни янада юксак ғалабалар кутиб турганини намоён эта олди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

### САБРДАГИ САОДАТ, МЕҲНАТДАГИ ФАРОҒАТ

Халқимизнинг энг буюк фазилатларидан бири – борига шукр, кўпига умид қилиб яшаш. Сабрни – саодат, меҳнатни – фароғат, деб билиш. Эл-юртимиздаги бугунги қут-барака, тинчлик-барқарорлик ва юксалишнинг асл илдизи ҳам шунда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" шиори остида ўтказилаётган кўплаб учрашувлар, маданий-маърифий тадбирларда халқимизга, айниқса, ёшларимизга ана шу ҳаёт ҳақиқатини чуқурроқ англатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Байрам нафақат шоду хуррамлик, балки халқимиз истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлга яна бир бор теран назар ташлаш, эришган юксак муваффақиятларимизни ўзига хос сарҳисоб қилиш, ўтган кунлардан зарур хулосалар чиқариб, истиқболдаги ишларни белгилаб олиш учун яхши имконият ҳамдир. Бу эришган ютуқларимизнинг салмоғи, аҳамияти ва моҳиятини чуқур англаб етишга, бугунги дориломон кунлардан шукроналик ҳиссини туйиш, эртанги кунимизга ишончимизни янада юксалтиришга хизмат қилади. Зеро, озодлик, мустақиллик, бугунги фаровон, тинч-осуда ҳаёт ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бугунги озод ва обод ҳаётимиз Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларда олиб борилаётган туб ўзгариш ва ҳаётбахш ислоҳотларнинг, халқимизнинг эзгу мақсад йўлидаги ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатларининг амалий натижаларидир.

Буни истиқлол йилларида мамлакатимизнинг йўл, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, янги йўл ва кўприклар қуриш, йўл инфратузилмасини халқаро андозалар ва замон талаблари даражасида ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ва изчил ишлар бераётган юксак самаралар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Юртимиз азалдан Шарқ ва Ғарб ўртасида ўзига хос робита вазифасини ўтаб келган. Ўзбекистоннинг бугунги ҳудуди орқали ўтган қадимий Буюк ипак йўли турли давлатлар ўртасида савдо ва маданий алоқаларни ривожлантиргани маълум.

Президентимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки кунларидан халқаро ва миллий автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўлларини, йўллар бўйидаги инфратузилма объектлари тармоғини такомиллаштириш иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Чунки давлатимизнинг жаҳон иқтисодиётига жадал интеграциялашиши бевосита йўл тизими фаолиятининг нечоғли самарали йўлга қўйилганига ҳам боғлиқ.

(Давоми 2-саҳифада)

Жиззах Вилояти

***Саратон ғўза парвариши ва мўл ҳосил яратишда энг масъулиятли палла. Тажрибали пахтакорлар саратонда "Кундузлари механизатор далада бўлсин, сувчи — панада", дейишган. Бунинг маъноси шуки, вақт чошгоҳдан ўта бошлагач, қуёш тафти туфайли ғўза шалпайиб, поя ва баргларидаги намлик камая боради. Бундан барглар ҳам, ҳосил шохлари ҳам бирмунча сўлийди ва эгилувчанлиги ортиб, культиватор ишчи қисмлари таъсирида синиб тушмайдиган ҳолга келади. Механизатор учун иш унумини ошириш имкони пайдо бўлади. Шунинг учун у кундузги ҳароратдан инжилмай, қатор ораларига ишлов беришни сусайтирмаслиги керак.***

## ҒЎЗА РИВОЖИНИ ТЕЗЛАШТИРАМИЗ

### — ДЕЙДИ ДЎСТЛИК ТУМАНИ ФЕРМЕРЛАРИ, — БУНГА ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИНИ ЧУҚУР ЮМШАТИШ, СУҒОРИШНИ МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТАШКИЛ ЭТИШ, ДАЛАЛАРНИ БЕГОНА ЎТДАН ХОЛИ ТУТИШ ВА ЗАРАРКУНАНДА ҲАШАРОТЛАРНИ ЙЎҚОТИШ БИЛАН ЭРИШАМИЗ!

Экин шалпаяркан, нафас олиши тезлашиб, культиватор ўтган жўякларда ҳаво алмашуви кучаяди, бу эса, ғўзаларнинг обиҳаётга талабини оширади. Дала дарғаси ўз тракторини пайкалдан чиқара бошлаганда вақт кечга яқинлашиб, қуёш уфққа ботади. Шу пайт сувчилар "пана"дан пайкалга чиқишади. Тунги суғоришнинг фойдаси нақадар катта. Ғўзалар кундузи ҳолдан тойиб, чанқаб тургани учун мириқиб сув ичади. Тунги суғориш кундузги суғоришга қараганда, 1,5 баравар самарали ҳисобланиши ҳам шундан.

Тўғри, пахтачиликда экинни суғориш муддатлари белгилаб қўйилган. Масалан, биринчи суғориш ғўзалар шоналай бошлаганда, иккинчи суғориш эса шу кунларда амалга оширилиши керак. Лекин кўплаб тажрибали пахтакорлар қиш ойларида далаларига яхоб суви бергани учун бу муддатни бироз орқага суришлари ҳам бор гап. Шунга қарамай, саратон суви бундай майдонлар учун ҳам, чигит тупроқнинг табиий намига ундириб олинган майдонлар учун ҳам, ҳатто, чигит (нам) суви билан ундириб олинган далалар учун ҳам жуда фойдали. Бободеҳқонларимиз бежизга "Саратон таърифи минг қироатга, сувининг давоси минг зироатга татийди", "Саратон суви ҳатто "Менга соя ҳам, ҳамсоя (қўшни) ҳам керак эмас" дейдиган ток учун ҳам жуда зарурдир", дейишмаган. Бироқ бу, ғўзаси чанқаган майдонларда ҳам, чанқамаган пайкалларда ҳам суғориш даркор, деган гап эмас. Чанқамаган майдонларда бироз орқага суриш ва асад кириши олдидан суғориш мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)





# ҲАМ МЕҲНАТ, ҲАМ РОҲАТ

**(Боши 1-саҳифада)**

Туман ҳокимининг фармойиши билан ишлаб чиқилган “Меҳнат – роҳат” шаҳарчаси фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш низомига асосан фермер хўжаликлари кесимида талаблар ўрганиб чиқилди. “Сурхон” ҳудудида 450 ўринли, “Косон” фермер хўжалигида 250 ўринли “Меҳнат – роҳат” шаҳарчалари ташкил этилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачиликдаги чопиқ, ўтоқ, ягана, чеканка, йиғим-терим билан боғлиқ ишларни тартибга солиш орқали кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишдир. Шу тариқа туманимиздаги Миғжагул, Регзор, Гулбоғ, Гувалак, Оброн, Пўлати, Нартибаланд, Нартичуқур сингари 60 та маҳалладан 700 нафар хотин-қизни шарт-шароитлар яратилган далачилик ишлари билан таъминладик. Улар учун иссиқ овқат ва иш ҳақи, дам олиш, маданий ҳордиқ шароитлари ташкил этилди. Хотин-қизларимиз 50 нафардан отрядларга бўлиниб, ҳар бир отрядга битта автобус ажратилди. Хуллас, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

Шаҳарчада маънавият, тиббиёт хоналари, давлат санитария-эпидемиология назорат маркази хонаси, спорт бурчагида эса обруч, шахмат-шашка, волейбол анжомлари мавжуд. Гўзаллик салони ҳам ишлаб турибди. Бичиш-тикиш, тўқувчилик, пазандачилик тўгараги фаолият кўрсатяпти. Инглиз тилини ўрганиш курси ҳам шаҳарча аҳли ихтиёрида.

Туманимизнинг “Косон” ҳудудида Арабхона, Гулбоғ, Беруний, Косон, Пистали, Қўнғиртоғ массивлари, “Сурхон” чўл ҳудудида эса Сурхон, Майдаёби, Жарқум, Чироқчи, Ширинтепа, Бобур, Андабозор номи билан аталувчи масканлар мавжуд. Дўстёр Мавлонов раҳбар бўлган “Косон” фермер хўжалигида боғ-роғлар кўп. 12 гектарлик боғда олма, ўрик, шафтоли, олхўри ғарқ пишди. Туман фермерлар кенгашининг аъзоси, “Косон” фермер хўжалиги раҳбари Дўстёр Мавлонов “Меҳнат – роҳат” шаҳарчаси зарбдор хотин-қизлар гуруҳига мевалардан бепул тарқатяпти. Дарвоқе, фермер ҳар гектар боғдан 2 миллион сўм соф даромад кўрди. Иссиқхонада эса қишда ҳам ёздагидек сабзавот экинларидан мўл ҳосил олиняпти.

Косон–Муборак автомобиль йўлининг 3 километрида жойлашган бу шаҳарча, ундаги хотин-қизлар фидойилиги туфайли 2012 йилда туманимизда пахта ҳосилдорлиги 2011 йилга нисбатан 5 центнерга ошди. Албатта, бу фидойилик ўз рағбатини топмоқда. Ўтган йили меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган опа-сингилларимизга меҳнат ҳақидан ташқари 56 миллион сўмлик қимматбаҳо совғалар берилди.

“Меҳнат – роҳат” шаҳарчаларидаги зарбдор хотин-қизлар гуруҳи аъзолари ҳузурига маданий ҳордиқ чиқаришлари учун республика, вилоят, тумандан таниқли санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида концертлар уюштирилмоқда. Бундан ташқари, Президентимиз Фармон ва Қарорлари юзасидан давра суҳбатлари ўтказиляпти. Спорт мусобақалари уюштирилмоқда. Туманимиздаги “Меҳнат – роҳат” шаҳарчаларида тўпланган илғор тажриба вилоятимиз бўйлаб қанот ёзаяпти. Миришкор ва Нишон туманларида ҳам ана шундай шаҳарчалар юзага келди. Сирасини айтганда, туманимиздаги “Меҳнат – роҳат” шаҳарчалари, унда тўпланган бой тажриба хотин-қизларимиз бандлигини таъминлаш билан бирга қишлоқ хўжалиги равнақига хизмат қилади.

**Шоҳида АЗИЗОВА,**
**Косон тумани ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси.**

# ОШАЁТГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ

***Бунда молиявий соғломлаштириш дастурларининг самараси ҳам муҳим аҳамиятга эга***

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжумани кам қувватли корхоналар, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш ҳамда уларнинг негизида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган молиявий соғломлаштириш дастурларининг ижросига бағишланди.**

Таъкидландики, қўмита томонидан ушбу йўналишда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, республикамизнинг барча ҳудудида тижорат банклари ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари вакиллари иштирокида тузилган ишчи гуруҳлари билан ҳамкорликда аниқланган кам қувватли, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган 10 мингга яқин корхона ҳамда объектларнинг негизида ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш, янги иш ўринларини яратишга қаратилган амалий таклифлар илгари сурилди. Улар 8 мингдан ортиқ корхоналарни молиявий соғломлаштириш, давлатга тегишли бўш турган объектларнинг 290 тасини белгиланган тартибда хусусийлаштириш, 263 тасига эса инвестиция киритиш ва иш ўринларини яратиш шарти билан тадбиркорларга “ноль” қийматда сотиш, 161 тасини самарали фойдаланиш учун давлат ва нодавлат ташкилотларига бериш, 138 тасида марказлаштирилган маблағлар ҳисобига қурилиш ишларини якунлашни кўзда тутади.

Шунингдек, яроқсиз ҳолатга келиб қолган объектларни белгиланган тартибда бузиш, корхоналар томонидан ишлаб чиқариш жараёнида деярли фойдаланилмаётган 350 гектарга яқин ортиқча ер майдонларини маҳаллий ҳокимликларнинг захираларига ўтказиш ҳамда бу ерда муҳандислик-комуникация тармоқларининг мавжудлигини инобатга олган ҳолда хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кичик саноат ҳудудларини ташкил этиш таклиф қилинмоқда.

— Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, молиявий соғломлаштириш дастурларига киритилган лойиҳалар учун жами 1 408,2 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, — дейди Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Шуҳрат Исломов. — Шундан 756,2 миллиард сўми тижорат банкларининг кредит маблағларидир. Молиявий соғломлаштириш дастурларининг бажарилиши натижасида 1 881,7 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, уларни 48 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматда экспорт қилишга эришилди. Айни пайтга қадар 22,6 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

**Сайдодил САЙИДИСЛОМОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# ҒЎЗА РИВОЖИНИ ТЕЗЛАШТИРАМИЗ

## — ДЕЙДИ ДЎСТЛИК ТУМАНИ ФЕРМЕРЛАРИ, — БУНГА ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИНИ ЧУҚУР ЮМШАТИШ, СУҒОРИШНИ МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТАШКИЛ ЭТИШ, ДАЛАЛАРНИ БЕГОНА ЎТДАН ХОЛИ ТУТИШ ВА ЗАРАРКУНАНДА ҲАШАРОТЛАРНИ ЙЎҚОТИШ БИЛАН ЭРИШАМИЗ!

**(Боши 1-саҳифада)**

Саратон сувини маҳаллий ўғитлар билан “шарбат” усулида ташкил этиш ғўзалар учун ниҳоятда фойдалидир. Бунда, биринчидан, тунда ҳам ғўза тагидаги ҳарорат экин ривожини сусайтирмайди, кундузлари эса кўкдан ёғилаётган иссиқ ҳарорат туфайли обиҳаётнинг тез буғланиб кетишига, ғўзанинг илдизи атрофида қатрон вужудга келишига йўл қўймайди. Иккинчидан, тупроқ намлигини узоқроқ сақлаб, экин чанқоғини қондиради. Агар саратон суви фекаль компости аралаштирилган ҳолда оқизилса, ғўза ҳосилдорлиги гектарига камида 10 центнер ошиши аниқ.

— Туманимиздаги “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими” Муртоза Бўтаев бошлиқ “Эшниёз бобо” фермер хўжалиги аъзолари қатор йиллардан бери ғўзаларини ҳам, ғаллаларини ҳам фекаль компости билан озиқлантириб, катта натижаларга эришишяпти, — дейди Дўстлик тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбари Убайдулла Турдимуродов. — Масалан, ўтган йили улар деҳқончилик қилаётган ерларининг бонитет кўрсаткичи анча паст бўлишига қарамай, пахта ҳосилдорлигини шартнома режасидаги 28 центнердан 45 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини 54 центнердан 76 центнерга кўтаришга муваффақ бўлишди. Жорий йилда 110 гектар ғаллазордан давлатга топширишлари лозим бўлган 360 тонна ўрнига 460 тонна сара дон етказиб беришди. Айни пайтда 160 гектар пахтазорнинг қатор ораларини бешинчи марта культивациялаш билан бирга гектарига 5 тоннадан фекаль оқизишяпти. Бу чўл шароитида ҳам экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг катта имкониятлари борлигини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, туманимиз бўйича 23 та фермер хўжалиги жамоаси ғалла ҳосилдорлигини 65-70 центнерга, 12 та фермер хўжалиги аъзолари 70-80 центнерга, 6 та фермер хўжалиги ғаллакорлари 90 центнерга кўтаришга муваффақ бўлишди. Эшқувват Омонқулов ва Мироншоҳ Отақуловлар бошлиқ фермер хўжаликлари деҳқонлари эса ҳар гектар ғаллазордан 100 центнердан хирмон уюб, чўл шароитида экин ҳосилдорлигини оширишнинг омил ва имкониятлари катта эканини исботладилар. Шу тариқа туманимизнинг 42 минг тонналик ғалла хирмони ошиғи билан чўшланди. Бундан кўриниб турибдики, деҳқонларимиз фан ютуқлари билан бир қаторда илғорлар тажрибасига ҳам қаттиқ амал қилишяпти.

Энди яна пахтачиликка қайтадиган бўлсак, суғоришда ўқариқлар оралиғи кенг ё қисқалигининг аҳамияти катта. Бу масофа қанча узоқ бўлса, сув сарфи шунча ортади. Ўқариқ бош қисмида тупроқ намланиши меъёридан зиёд, охирларида кам бўлади. Бу эса, охир томондаги ғўзаларнинг тезда қайта чанқашига олиб келади. Агар ўқариқлар ораси 50-60 метр бўлса, тажрибали сувчилар ҳар гектар пахтазорни 1050-1100 куб метр сув билан суғоришга эришишади. Ўқариқлар ўртасидаги масофа 100 метрга яқинлаб ёки ошиб боргани сайин ушбу обиҳаёт сарфи гектарига 1500-1600 куб метрга ошиб боради. Шу боис, сувчиларимиз ўқариқлар оралиғини қисқартиришга, ҳар қатра обиҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Маълумки, ғўзанинг ўсиш-ривожланиш жараёни беш даврга бўлинади. Булар — униб чиқиш, шоналаш, гуллаш, кўсаклаш ва пишиш даврларидир. Айни пайтда экинимиз тўртинчи даврда ривожланмоқда. Бу даврда ғўзалар авжи кучайиб, тупроқ таркибидаги озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиши, азот, фосфор ўғитларига талаби ортади. Негаки, ғўза гул ва кўсакларини тўкмай, соғлом-сер ҳосил ривожланиши, пахтакорнинг йил давомида кўрсатиб келаётган меҳрига оқибат кўрсатиши керак. Шунга кўра, бугун культиваторларнинг пичоқларини олиб ташлаган, ишчи қисмлари оралиғини қисқартирган ҳолда ишлатиб, культивациялаш жараёнида пахтазорга кўплаб маҳаллий ўғит чиқараётган деҳқонлар, албатта, ютадилар.

Дўстлик тумани пахтакорлари бу йил 19 минг 200 гектар майдонда ғўза ўстириб, мамлакатимизга 51 минг 800 тонна “оқ олтин” етказиб бериш учун меҳнат қилишяпти. Оғир юкнинг меҳнати ҳам оғир бўлади. Шу боис, айни кунларда фермер хўжаликларининг барча аъзолари ғўза парваришига сафарбар этилган. Дала ишларида, айниқса, сувчи ва механизаторлар масъулият ҳис этиб, меҳнат қилаётирлар. Ҳар куни пахтазор-пайкалларда 4 минг нафардан зиёд сувчи ва 342 та культиваторли трактор ҳайдовчилари жавлон уришяпти. Шу тариқа кунига 750-800 гектар атрофида ғўза майдонлари обиҳаётга қондирилиб, 1200-1300 гектар майдоннинг ғўза қатор ораларига маъданли ёки маҳаллий ўғитлар сочилган ҳолда бешинчи ишлов берилаётир.



*“Жавлон” фермер хўжалиги сувчилари Валижон Маматалиев билан Чолбой Тожибоевлар тунги суғориш олдидан.*

Бундан ташқари, бегона ўтларга, зарарли ҳашаротларга қарши жойларда биологик кураш усуллари қўлланиляпти. Хуллас, пахтакорлар ҳам ғаллакорлар сингари мўл ҳосил етиштириб, Ватанни хушнуд этиш мақсадини дилга тукканлар. Улар шундай кўтаринки кайфиятда ташаббускорлик билан меҳнат қилишяпти.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

**(Боши 1-саҳифада)**

Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, мамлакатимизда юк ва йўловчи ташишнинг асосий қисми автомобиль йўллари улушига тўғри келмоқда. Хусусан, автомобиль йўллари орқали юкларнинг қарийб 85 фоизи, йўловчиларнинг 95 фоиздан ортиғи ташилмоқда. Бу автомобиль йўллари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишидан ёрқин далолатдир. Шу боис, мамлакатимизда аҳолини қулай, хавфсиз ва рентабелли йўл-транспорт алоқаси билан таъминлайдиган транспорт-коммуникация тармоғини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларда бу борадаги аҳвол жуда аянчли эди. Бир мисол: Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан бевосита боғлайдиган йўл йўқ эди. Бошқача айтганда, ўз уйимизга қўшнининг ҳовлиси – бошқа мамлакат орқали бож тўлаб ўтар эдик.

2000 йили, мустақиллик байрами арафасида Қамчиқ довони орқали тоннель қазилиб, юртимизнинг бошқа ҳудудларини Фарғона водийси билан боғлайдиган замонавий автомобиль йўлининг ишга туширилиши нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсдаги улкан воқеа бўлди. «Ислом Каримов Буюк ипак йўлини тиклади», «Ўзбекистон Тинч океанига йўл очди», «Қамчиқ довонида амалга оширилган ишлар кўлами ва ҳажми ҳар қандай кишини лол қолдиради»...

Булар – Қамчиқ ва Резак довонларидаги тоннель ишга туширилиши муносабати билан ўша кунлари хорижий нашрларда чоп этилган мақолаларнинг сарлавҳалари.

### ЕТТИТОМДАН ЎТСАНГИЗ...

...Ўтган якшанба куни Қаршидан Тошкентга қайтаётиб, Еттитомда машинамизга бензин қуйдик. Еттитом – Самарқанд-Қарши, Чироқчи-Кўкдала йўналишидаги автомобиль йўлларининг чорраҳасида жойлашган серқатнов жой.

Бугун Еттитомни таниш қийин. 20-25 йил илгари ҳувиллаб ётган биёбонда мўъжазгина шаҳарча қад ростлаган. Бир томони – кўм-кўк боғ, яна бир томони – олтиндай товланиб турган буғдойзор. Пайкалларда тарвуз-қовун, сабзавот пишиб ётибди. Батартиб қад ростлаган уйлар, мактаб, савдо дўконлари, ҳаммом, тиббиёт пункти, дорихона, кафе, меҳмонхона, чойхона, бассейн, тўйхона, бозор, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ёқилғи қуйиш, газ тўлдириш шохобчалари... Санайверсангиз адоғи йўқ. Ҳатто замонавий асфальт заводигача бор!

Чорраҳа атрофи тўла машина – автобуслар, юк ташувчи баҳайбат автомобиллару енгил машиналар. Биров соя-салқинда дам олаётир, яна кимдир бирров тўхтаб, «оёғининг чигилини ёзаётир». Уларнинг орасида ажнабийлар ҳам кўзга ташланади.

Қувонарлиси, бугун бу ерда тўхтаган йўловчию ҳайдовчига юзлаб турдаги хизматлар таклиф этилади. Истаса, замонавий кафеда овқатланиб, соя-салқин меҳмонхонада дам олсин, зарурат бўлса, автосервисда машинасини таъмирлатсин, истаса, теннису футбол ўйнаб, ҳордиқ чиқарсин...

Бундан 20-25 йил илгари ҳам Еттитом серқатнов жой бўлган – ушбу чорраҳадан ҳар куни юзлаб автотранспорт, йўловчию ҳайдовчи ўтган. Лекин, улар – ўша пайтлар бу ердан ўтганлар бугунгидек замонавий шаҳарчани эмас, чўпонларнинг томига гувала босилган бири-биридан кўримсиз ва пастқам етти уйию битта қудуқдан бошқа нарсани кўрмаган.

“У замонлар чўпонлар Еттитомда яшаб, қўй боққандан кўра, Сибирга сургун бўлишни афзал биларди, – дейди «Кўкдала» қишлоқ фуқаролар йиғинининг котиби Боймамат Пардаев. – Бу гапимда ҳеч бир лоф йўқ. Сабаби, илгари бу ерда на бир кўкарган дарахт, на бир оқарган иморат, на бир мактаб, на бир шифохона бўларди. Ҳатто оддий чироқ ҳам йўқ эди. Самарқанддан чиққан ҳайдовчи ёки йўловчи Қаршига етгунича чанқаса, омади келса, Еттитомдаги қудуқдан эшакнинг белига арқон боғлаб, трактор баллонининг камерасидан ясалган қовғода тортиб олинган сувдан бир ҳўплам ичиши мумкин эди...»

Илгари ушбу йўлнинг икки томонидаги инфратузилма объектларини (агар уларни шундай деб аташ мумкин бўлса) санасангиз, ўнтадан ошмасди. Шундай серқатнов йўл бўйида бирор ошхонани, айниқса, тунда, учратиш – мўъжиза, машинага бензин қуядиган, бузилса, тузатадиган шохобчани-ку гапирмасаям бўлади.

Унда-бунда учрайдиган ва пештоқига «Столовая» деб ёзилган ошхонага кирсангиз, дилингиз хуфтон бўлиши табиий эди: қорайиб кетган алюминий косага солинган ва хамири қалин чучварани алюминий қошиқда атрофингизда ғужғон ўйнаётган пашшаларни «ҳайдаб-ҳайдаб» истеъмол қилар эдингиз.

Ошхона ҳам майли, Тошкентдан Қаршигача бўлган қарийб беш юз километрлик серқатнов йўл бўйида бирорта ҳам, эътибор беринг, бирорта ҳам санитария-гигиена хонаси бўлмаган. Юзлаб километр масофани босиб ўтинг, лекин йўл бўйида на бир меҳмонхона, на бир тиббиёт пункти, на бир ёқилғи қуядиган шохобча ва на бир автосервисга дуч келардингиз.

Қишлоқдан шаҳарга шахсий машинасида бормоқчи бўлган киши уч кун аввал канистирини тарақ-туриқ қилиб, тайёргарлигини бошларди: совхознинг гаражидан ялиниб-ёлвориб бензин оларди. Давлатнинг ёқилғисини ноқонуний сотадиган «мойхоначи» эса, табиийки, бир куни қўлга тушар ва қамалиб кетарди.

Ҳамма нарса тақчил, барча мулк давлатники бўлган шўролар салтанатида инсоннинг энг оддий эҳтиёжларини таъминлашга ҳам назар-писанд қилинмас эди.

### ИНСОН – МУКАРРАМ ЗОТ

Самарқанд – Қарши автомагистралининг иккинчи тоифага ўтказилиб, замонавий талаблар даражасида тўла реконструкция қилинишида Еттитомдаги асфальт заводи маҳсулотларидан ҳам кенг фойдаланилди. Илгари Қашқадарё вилоятида бор-йўғи биттагина асфальт заводи бўлганини билган кишига қишлоқда, бунинг устига, Чироқчининг чўлида ишлаб турган бу корхона ҳақиқий мўъжиза бўлиб туюлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда бу каби юзлаб заводлар ишга туширилди. Зеро, минглаб километр янги йўллар, юзлаб кўприклар, йўл ўтказгичлар, минглаб замонавий инфратузилма объектлари барпо этилди.

Бундай хайрли ишларда давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 22 апрелда қабул қилинган “2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2010 йил 21 декабрда имзоланган “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги қарорлари муҳим омил бўлаётир. Ушбу ҳужжатларда Ўзбекистон миллий автомагистралини янада ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, 2011-2015 йилларга мўлжалланган мақсадли дастурга мувофиқ, халқаро нормалар ва замонавий талаблар асосида умумий узунлиги 2306 километрлик янги магистрал автомобиль йўллари қурилиши олиб борилмоқда. Мазкур магистрал автомобиль йўллари таркибида 1910 погонметр кўприклар ва йўл ўтказгичлар, етти жойда транспорт чорраҳалари барпо этилади.

Ана шундай улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш асносида автомобиль йўллари бўйида йўловчи ва ҳайдовчилар, автотранспортга хизмат кўрсатадиган замонавий талаблар даражасидаги инфратузилма объектларини барпо этишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармаси маълумотларига қараганда, ўтган йиллар мобайнида биргина Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб 240 хизмат кўрсатиш шохобчаси ва меҳмонхона қурилган. 2011-2015 йилларда яна икки юздан ортиқ ана шундай объект – 37 кемпинг ва мотель, 95 автомобилларга ёқилғи ва газ қуйиш, 78 техник ва тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаси, 24 барча қулайликларга эга қисқа муддатли дам олиш майдончаси қурилади. Бу яна минглаб янги иш ўринларини очиш, йўллар бўйида хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини янада ошириш имконини беради.

Бугун мамлакатимиздаги автомобиль йўлларида ҳайдовчию йўловчи дам олиш, овқатланиш, машинасини тузатиш, уловига ёқилғи қуйиш борасида сира ташвиш чекмайди.

Зеро, бундай замонавий қулайликлар мамлакатимизнинг катта-кичик барча йўллари бўйлаб яратилган ва яратилмоқда. Қаршидан пойтахтимизгача бўлган қарийб беш юз километрлик йўлнинг бир томонида, эътибор беринг: бир томонида, автотранспорт, йўловчию ҳайдовчиларга кечаю кундуз хизмат кўрсатаётган ана шундай инфратузилма иншоотларини атайлаб санадик: икки юз элликдан ошди!..

Бу мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътиборнинг амалдаги ифодаларидандир. Бугун мамлакатимиздаги барча йўллар бўйида аҳолига юзлаб турдаги замонавий хизматларни таклиф қилаётган инфратузилма объектларининг деярли барчаси айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидир.

Бу ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этган олижаноб даъватнинг амалдаги юксак самараларидандир!

Инсон ҳуқуқлари олий қадрият ва унинг манфаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини муттасил ошириб бориш давлат сиёсатининг бош мақсади, энг устувор йўналиши сифатида белгиланган мамлакатдагина ана шундай улкан ютуқлар қўлга киритилиши мумкин. Бунга Ўзбекистонимиз яққол мисолдир.

Халқимиз эришаётган бундай улкан ютуқларнинг қадрига етиш, янги-янги марралар сари интилиш, мухтасар айтганда, Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Кулман ОЧИЛОВ**
*(ЎзА)*

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ 32-СОНЛИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ КОЛОНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги УЯ 64/32 жазони ижро этиш колониясининг яшаш саҳни ҳудуди ниқобли ташқи деворини мукаммал таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи** ҚҚС билан 688 291 339 сўм, ҚҚСсиз 573 576 115 сўм.

**Якунлаш муддати** – 120 кун.

**Буюртмачи:** Наманган вилояти Поп тумани Уйғурсойда жойлашган Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси 32-сонли жазони ижро этиш колонияси. Тел: (8-369) 43-44-233, факс: 434-42-93.

**Лойиҳани молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигига ажратилган Давлат бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

**Диққат!** *Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзаллика эга ҳисобланади.*

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафиллигига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Қатнашчиларнинг тижорат таклифларининг тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси **Курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзилга Наманган шаҳар Навоий кўчаси 22-уй, Тел.факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А.Навоий кўчаси 22-уй.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ТУРАН КИМ-ЗЫЯТ САУДАСЫ» МЧЖ РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТИ 2013 ЙИЛ 14 ИЮНЬ, 15 ИЮНЬ ВА 24 ИЮНЬ КУНГИ АУКЦИОН САВДОЛАРИ НАТИЖАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

**ҚЎНҒИРОТ ТУМАНИ БЎЙИЧА ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИ**

*(минг сўмда)*

| т/р | Манзили ва ер участкалари | Бошланғич баҳоси | Сотилиш баҳоси | кв.м. |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Ўрнак ОФЙ 9-кварталидан №1 ер участкаси | 42,00 | 130,0 | 400 |
| 2 | Олтинкўл посёлкаси 8-кварталидан №2 ер участкаси | 28,92 | 50,0 | 400 |
| 3 | Ҳаким ота МФЙ 74-кварталидан №14,16 ер участкалари | 53,64 | 130,0-120,0 | 400 |
| 4 | Ҳаким ота МФЙ 75-кварталидан №5 ер участкаси | 53,64 | 120,0 | 400 |
| 5 | Ҳаким ота МФЙ 76-кварталидан №5, 8 ер участкалари | 53,64 | 120,0-110,0 | 400 |
| 6 | Олтинкўл посёлкаси 81-кварталидан №4 ер участкаси | 28,92 | 50,0 | 400 |

**АМУДАРЁ ТУМАНИ БЎЙИЧА ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИ**

*(минг сўмда)*

| т/р | Манзили ва ер участкалари | Бошланғич баҳоси | Сотилиш баҳоси | кв.м. |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Навбаҳор кўчаси №127 ер участкаси | 72,000 | 180,0 | 400 |
| 2 | Бўзчи маҳалласидан №2, 8 ер участкалари | 72,000 | 130,0-110,0 | 400 |
| 3 | Қассоб қалъа маҳалласи №2 ер участкаси | 72,000 | 120,0 | 400 |

**НУКУС ТУМАНИ БЎЙИЧА ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР УЧАСТКАЛАРИ**

*(минг сўмда)*

| т/р | Манзили ва ер участкалари | Бошланғич баҳоси | Сотилиш баҳоси | кв.м. |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Оқманғит посёлкаси 3-кварталидан №4, 5 ер участкалари | 33,080 | 130,0-110,0 | 400 |
| 2 | Оқманғит посёлкаси 7-кварталидан №5, 6, 9, 12, 17, 19, 20 ер участкалари | 33,080 | 130,0-200,0-120,0-130,0140,0-90,0-170,0 | 400 |
| 3 | Мамықшы аҳоли пунктидан №7 ер участкаси | 13,160 | 60,0 | 400 |
| 4 | Қайшылы аҳоли пункти 1-кварталидан №17 ер участкаси | 13,160 | 40,0 | 400 |
| 5 | Шортанбай аҳоли пункти 12-кварталидан №1, 2, 3, 4, 5, 6, 9 ер участкалари | 33,080 | 50,0-75,0-50,0-65,0-50,0-45,0-65,0 | 400 |

## СООБЩЕНИЯ АКЦИОНЕРАМ О ПРОВЕДЕНИИ ГОДОВОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ

**ОАО ИИ “MARVEL JUICE CO” ИЗВЕЩАЕТ АКЦИОНЕРОВ, ЧТО ГОДОВОЕ ОБЩЕЕ СОБРАНИЕ АКЦИОНЕРОВ, НАЗНАЧЕННОЕ НА 28.06.2013 ГОДА, НЕ СОСТОЯЛОСЬ ПО ПРИЧИНЕ ОТСУТСТВИЯ КВОРУМА.**

Новое собрание, назначенное взамен не состоявщегося будет проводиться 17.07.2013 года в 11-00 по адресу: г.Ташкент ул.Ниязбек йули, 1.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

**1.** Утверждение счетной комиссии Общества.

**2.** Утверждение регламента внеочередного Общего собрания акционеров общества.

**3.** Отчет Генерального директора ОАО ИИ “Marvel Juice Co” о результатах финансово-хозяйственной деятельности общества по итогам 2012 года и выполнения бизнес плана развития.

**4.** Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 2012 год.

**5.** Утверждение заключения аудиторской проверки за 2012 год и утверждение акта ревизионной комиссии по проверке финансово-хозяйственной деятельности за 2012 год.

**6.** Утверждение аудитора общества на 2013 год и предельный размер оплаты его услуг.

**7.** Утверждение отчета Наблюдательного совета по итогам работы за 2012 год по соблюдение в обществе принципов корпоративного управления и деятельности Наблюдательного совета.

**8.** Утверждение бизнес-плана развития общества на 2013 год.

**9.** Уменьшение уставного фонда.

**10.** Выкуп собственных акций.

**11.** Заключение крупной сделки.

**12.** Оценка имущества.

Регистрация участников собрания проводиться с 10 часов по выше указанному адресу. При себе иметь паспорт или удостоверение личности, а представтилям акционеров нотариально заверенные доверенности. Представтелям акционеров юридических лиц, необходимо иметь доверенность заверенную руководителем общества.

Спавки по телефонам: 234-26-71.

**Наблюдательный Совет СП ОАО “MARVEL JUICE Co”.**

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

